



SarioSiyo

2025-yil — Atrof-muhitni asrash va “yashil” iqtisodiyot yili

16 may 2025 yil. Juma № 19 (8199)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

(Gazeta 1932 yildan «Sariosiyo haqiqati» nomi bilan chiqa boshlagan)

Barcha islohotlarimiz zamini va ko'zgusi bu—mahalla. Jamiyatimizdagi barcha jarayonlar mahalla hayotida o'z ifodasi va amaliy yechimini topadi. Mahalla—tinchlik va osoyishtalik poydevori, ahillik va hamjihatlik, ma'rifat va tarbiya qo'rg'onidir.

Shavkat MIRZIYOEV

MAHALLA — JAMIYAT TAYANCHI

Darhaqiqat, mahalla tizimi bugungi kunga kelib har qachongidan ham kuchli va qudratli uyushmaga aylandi. Avvallari faqat mahalla raisi, kotibi va xotin-qizlar vakilidan iborat bo'lgan tuzilma endilikda hokim yordamchisi, yoshlar yetakchisi, xotin-qizlar faoli, ijtimoiy xodim, profilaktika inspektori, soliq xodimini birlashtirib bitta mushftga aylantira oladigan rahbar sifatida faoliyat yuritmoqda. Mahalla tizimining jamiyatdagi mavqei ham oshdi, ham iqtisodiy—ijtimoiy muammolarini o'zi mustaqil hal qila olish imkoniyati kengaydi.

Ma'lumki, hozirda joylarda mahalla raisi saylovini o'tkazish tadbirlari izchil davom etmoqda. Fuqarolar oldingi davrlardagidek indamay, mahalla liderini saylovini loqayd kuzatib turadigan insonlar emas, balki hamma o'z mahallasiga jonkuyar, xalqparvar, halol yetakchi bo'lishiga intilmoqda. Mahalla raisi har jihatdan mukammal, xalqni o'z ortidan ergashtira

oladigan, mahalla ahlining yaxshi—yomon kунidan, og'ir-yengilidan boxabar, vaqtida har bir muammoni hushyorlik bilan anglab, yechimi ustida izlanishdan toymaydigan fidoyi inson bo'lishi lozim. Aslida mahalla atamasi ham arab tilidan olingan bo'lib, “o'rin-joy”, qavm yoki jamoat ittifoqligida, o'zaro bir-birini qo'llab-quvvatlab yashaydigan joyni anglatadi. Demakki, mahalladagilar og'iz birlik bilan, samimiy, bahamjihat, bamaslahat ish ko'radigan jamoa hisoblanishadi. Ijtimoiy og'ir ahvoldagilar, yakka-yolg'izlar, nogironlar, bemorlar, keksalar holidan xabardor bo'lish, mahalladagi saxovatpesha insonlar ko'magidan o'z o'rnida foydalanish, boshpanasiz, uy-joylari ta'mirlab fuqarolarga yordam qo'lini cho'zish ishlarini uyushqoqlik bilan tashkillashtirish mahalla raising mahoratiga bog'liq. Mahalla raisi qaysidir guruhning, qaysidir urug'ning homiysi yoki qo'llab turadigan muruvvati bo'lishi



mantiqqa zid. U xalq manfaatini o'z manfaatidan ustun ko'ra oladigan, elu yurt orasida obro'-e'tiborga sazovor, tarozi toshlarini teng qo'ya oladigan hakam bo'lmog'i kerak. Oldinlari kamgina maoshga ishlab yurgan mahalla raisi bugun har jihatdan mukammal, bilimli va malakali yettilikning sardori, yo'lbo'shchisi. Yetti og'ayni birlashsa, tog'ni talqon qiladi, birlashmasa, yetti tomonga sochilib ketadi, mahallada rivojlanish va

birikish bo'lmaydi, muammolar ko'payadi, parokandalik boshlanadi. Azaldan bizlar yetti qo'shni to'y qilsa, o'z uyining to'rini mehmonga beradigan, bemor yotsa, butun qishloq xabar oladigan, ta'ziya bo'lgan uy egalariidan yetti kun tinimsiz xabar olib, issiq-suvug'idan xabardor bo'ladigan tanti xalqmiz. Butun dunyo havas qiladigan an'ana va qadriyatlarimiz beshigi, odob-axloq va ma'naviyat eshigi bo'lgan

mahallamiz gullab-yashnasin, munosib nomzodlarni tanlab, yurtimiz ravnaqiga, xalqimiz farovonligiga, farzandlarimiz kelajagiga befarq bo'lmay, ovoz beraylik! O'z muammosini mustaqil hal qilish imkoniyati mavjud mahalla byudjetidagi mablag'lar faqat yorqin istiqbolimiz uchun sarflansin, Vatanimiz yanada ko'rkam, xavfsiz, osoyishta makonga aylansin!

Oydin JO'RABEKOVA,
tuman Xalq qabulxonasi mudiri

FARZANDLIKKA OLISHGA OID ISHLARNING SUDDA KO'RILISHI

Farzandlikka olish — bu bola va farzandlikka oluvchi shaxs o'rtasida qonuniy oilaviy munosabatlar o'rnatilishidir. Farzandlikka olish natijasida bola farzandlikka oluvchining biologik farzandi maqomiga ega bo'ladi. O'zbekiston Respublikasida farzandlikka olish tartibi asosan Fuqarolik kodeksi, Oila kodeksi, shuningdek, boshqa normativ-huquqiy hujjatlar bilan tartibga solinadi. Sud esa bu jarayonda asosiy vakolatli organlardan biri sifatida ishtirok etadi.

Farzandlikka oluvchilar voyaga yetgan, bola tarbiyasiga layoqatli, doimiy daromad manbaiga ega va bolaga munosib sharoit yaratish imkoniyatiga ega bo'lishi kerak. Jinoyat sodir etgani uchun sudlangan bo'lsa, voyaga yetmaganlar yoki nogironlar huquqlarini buzganlik uchun ma'muriy yoki jinoyiy javobgarlikka tortilgan bo'lsa, gijyohvandlik yoki spirtli ichimliklarga qaramlik kasalliklariga chalingan bo'lsa farzandlikka olishga ruxsat berilmaydi.

Farzandlikka olish faqat sud qarori asosida amalga oshiriladi. Jarayon quyidagi bosqichlarni o'z ichiga oladi. Ya'ni, farzandlikka olishni istovchi shaxs tuman (shahar) fuqarolik ishlari bo'yicha sudiga ariza bilan murojaat qiladi. Arizada farzandlikka olishni istovchi shaxsning shaxsiy ma'lumotlari, farzandlikka olinadigan bolaning ma'lumotlari, farzandlikka olishning sabablari va maqsadi va bolaga qanday sharoitlar yaratilgani haqida ma'lumot ilova qilinadi.

Shuningdek, pas-potin bo'lsa, nikoh to'g'risidagi guvohnoma (agar ariza beruvchilar er-xotin bo'lsa), daromad taxviri haqida ma'lumot, tibbiy ko'rikdan o'tganligi haqidagi xulosa, bolaning tug'ilganlik haqidagi guvohnomasi, bolaning vasiylik yoki homiylik organidan olingan ma'lumotnoma ilova qilinadi.

Sud arizani ko'rib chiqib, bola uchun farzandlikka olish qanchalik maqsadga muvofiq ekanligini, farzandlikka oluvchining tarbiyaviy va moddiy sharoitlarini, bola va farzandlikka oluvchilar o'rtasida o'zaro munosabatlarni aniqlaydi. Sud jarayonida zarur bo'lsa, psixologlar, pedagoglar yoki vasiylik organi vakillari ham ishtirok etadi.

Agar sud farzandlikka olish bolaning manfaatlariga mos kelishini aniqlasa, farzandlikka olish to'g'risida ijobiy qaror chiqaradi. Qarorda farzandlikka oluvchilarning ism-shariflari, bolaning ma'lumotlari va farzandlikka olish munosabatlarini o'rnatish haqida ko'rsatmalar beriladi.

Qaror kuchga kirganidan so'ng, bola farzandlikka oluvchilarning huquqiy farzandi hisoblanadi. Uning familiyasi, ismi va otasining ismi o'zgartirilishi mumkin.

Sud qarori asosida fuqarolik holati dalolatnomalarini qayd etish organlari bolaning tug'ilganlik haqidagi yozuviga tegishli o'zgartirishlar kiritadi.

Muhammadi BAHROMOV,
Fuqarolik ishlari bo'yicha
Sariosiyo tumanlararo sudi sudya yordamchisi

Yurtimizda Favqulodda Vaziyatlar vazirligining tegishli ko'rsatmasiga asosan hozirgi kunda viloyatimizning barcha Shahar va tumanlarida aholi ishtirokida zilzila bilan bog'liq Favqulodda vaziyatlarda aholi xavfsizligini ta'minlash maqsadida “Aholini zilzilaga tayyorlash haftaligi”ni o'tkazish belgilandi.

AHOLINI ZILZILAGA TAYYORLASH HAFTALIGI

ZILZILA—tabiiy tustagi favqulodda vaziyat bo'lib, yer ostida yoki mantiyaning yuqori qismida to'satdan siljish, sinish, yoki o'pirilish ro'y berishi oqibatida vujudga keladigan va to'lqinsimon tebranishlar tarzida uzoqlarga tarqaladigan yer osti silkinishlari va tebranishlari hosilasi hisoblanadi. Zilzila sabablariga ko'ra — Tektonik, vulqoniy va o'pirilish kabi hodisa sifatida turlanadi. 2023-yil 6-fevraldagi Turkiya davlatining Gazantepa shahrida 7.8 Mw Magnetudali ikkita zilzila, 9 soatdan keyin 6-fevral kuni 7.5 Mw Magnetudali zilzila sodir bo'ldi 1-zilziladan so'ng seysmologlar 300 dan ortiq zilzilani sezishdi. Turkiyadagi sodir bo'lgan bir necha daqiqalik ulkan fojia minglab insonlarni hayotdan olib ketdi. Yurtimizning barcha hududlarida kundan-kunga baland qavatli binolar bo'y ko'tarmoqda. Baland qavatli binolarning xavfsizligini ta'minlash maqsadida zilzila bardoshlilik sinab ko'rilib, mustahkamligi talab darajasida ekanligini ishonch hosil qilganligidan kegin binolarni qurish ishlari amalga oshirilmoqda.

Markaziy Osiyoning 20% hududi seysmik faol nuqtada joylashgan bo'lib, asosiy tog'li hududlarni qamrab oladi. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2024-yil 17-apreldagi PQ-161-son qarorini Vazirlik tizimida rahbarlik va ijroga qaratish to'g'risidagi 2024-yil 23-apreldagi O'zbekiston Respublikasi Favqulodda vaziyatlar vazirligining 121-sonli buyrug'i ijrosi yuzasidan aholini zilzilada harakatlanishiga o'rgatish tadbirlari Favqulodda vaziyatlar vazirligi tomonidan doimiy amalga oshirilib bormoqda.

Hurmatli fuqarolar, hozirgi axborot-texnologiyalar asrida qo'lingizdagi uyali aloqa vositalari yordamida zilzila haqida to'liq ma'lumot olishingiz mumkinligini zilzila sodir bo'lganda qanday harakat qilishni o'rganib olishingizni Sariosiyo tumani FVB xodimlari eslatib o'tamiz.

O'z hayotingizga befarq bo'lmang “Aholini zilzilaga tayyorlash haftaligi”da faol ishtirok eting.

N.TURDIYEV,
Tuman FVB inspektori, leytenant
Sh.RISBOYEV,
Tuman FVB katta inspektori, katta leytenant

Sharq'un shahar Madaniyat markazida tashkil etilgan ko'chma kutubxona 5-umumiy o'rta ta'lim maktabi bilan hamkorlikda shoir Muhammad Yusuf tavallud topgan kun munosabati bilan “Qo'shiq bo'lib qaytaman” mavzuida tadbir o'tkazishdi.

Tadbirning yuqori saviyada bo'lib o'tishida Dilnoza Ibrohimova, 5-maktabning MMIB direktor o'rinbosari Jamoliddin Raximov, ona tili fani o'qituvchisi Munisa Yusupova, musiqi fani o'qituvchisi Yunus Qayumovlar faollik ko'rsatishdi.



HUQUQQIY MASLAHAT!

Iste'molchi maqbul sifati nooziq-ovqat tovarini xarid qilgan kунidan e'tiboran necha kun ichida ushbu tovar sotib olingan joydagi sotuvchidan uni ayni shunday tovarga almashtirib olishga haqli?

O'zbekiston Respublikasining “Iste'molchilarning huquqlarini himoya qilish to'g'risida”gi Qonuniga muvofiq, agar iste'molchi nooziq-ovqat tovarini ma'qul sifatta xarid qilgan bo'lsa, lekin u o'lgami, rangi, shakli, fasoni, gabaritari yoki to'liq emasligi sababli unga mos kelmasa, u holda:

-14 kun ichida, tovar sotib olingan joydagi sotuvchiga murojaat qilib, uni xuddi shunday boshqa tovarga

almashtirishni talab qilishga haqli.

Bunda quyidagi shartlar bajarilishi lozim:

Tovar foydalanilmagan bo'lishi kerak.

Tovar ko'rinishi, iste'mol xossalari, yoriqlari va muhrlari saqlangan bo'lishi kerak. Xaridni tasdiqlovchi hujjat (chek yoki kvitansiya) bo'lishi kerak.

E'tibor bering: ayrim nooziq-ovqat mahsulotlari (masalan, ichki kiyimlar, tish cho'tkasi, parfumeriya mahsulotlari va boshqalar) almashtirib bo'lmaydigan tovarlar ro'yxatiga kiradi.

Agar tovar mana shu ro'yxatga kirmasa va yuqoridagi shartlar bajarilgan bo'lsa, almashtirish huquqiy jihatdan kafolatlangan.

M.ZARIPOVA,
tuman Iste'molchilar huquqlarini himoya
qilish jamiyati raisi

AHOLINI RO'YXATGA OLISH TARIXI

Har qanday davlatning tarixi — bu, birinchi navbatda, unda yashaydigan xalqning tarixi, aholisining soni va tarkibi, uning iqtisodiy va ijtimoiy tavsiflarida o'z ifodasini topadi. Aholi soni bo'yicha aniq va yaxlit ma'lumotlar aholini ro'yxatga olish asosida olinadi.

Aholini ro'yxatga olish yakunlariga qarab o'tmish va hozirgi davr haqida fikr va mulohazalar yuritish hamda kelajakni prognoz qilish mumkin bo'ladi. Qator holatlarda aholini ro'yxatga olish — aholining yoshi, jinsi, milliy tarkibi, ma'lumot darajasi, nikoh holati, bandligi va boshqa tavsiflari haqida ma'lumotlar olishning yagona manbai bo'lib xizmat qiladi.

Aholini ro'yxatga olish — bu mamlakat aholisining muayyan vaqtdagi “fotosurati”ni olish imkonini beruvchi umumdavlat miqyosidagi keng ko'lamli tadbir bo'lib, aholi to'g'risidagi ishonchli axborot manbai hisoblanadi.

Aholini ro'yxatga olish qachondan o'tkazila boshlangan?

Aholini dastlabki ro'yxatga olish qadimgi Gretsiya, Vavilon, Mesopotamiya, Rim, Xitoy, Yaponiya va Misrda o'tkazilgan. Lekin, bu aholi ro'yxatlarining maqsadi aholidan soliq yig'ish, ya'ni boj olish hamda harbiy maqsad uchun aholi sonini aniqlash bo'lgan. Shuning uchun ham, bu aholi ro'yxatlarida asosan erkaklar ro'yxatga olingan. Chunki, u paytlarda erkaklarning iqtisodiy o'rni yuqori bo'lgan, soliq to'lashda faqat erkaklar, ya'ni oila boshliqlari qatnashgan.

Aholini eng birinchi rasmiy ro'yxatga olish 1790 yilda AQShda, keyinchalik 1800 yilda Shvetsiya va Finlyandiya, 1801 yilda — Angliya, Daniya, Norvegiya va Fransiya o'tkazilgan. Ammo, bu aholi ro'yxatlarida juda oddiy shaklda hamda uzoq muddatga cho'zilgan. Masalan, birinchi AQShda aholini ro'yxatga olish ishlari 18 oy davomida olib borilgan.

XIX asrga kelib, aholini ro'yxatga olish juda kengaydi. Qator Yevropa mamlakatlarida statistika tashkilotlari tuzildi. Aholini ro'yxatga olish ilmiy dasturlar asosida olib borilishi yo'lga qo'yildi. Xususan, 1870-1879 yillarda dunyoning 48 ta, 1890 yillarda esa 57 ta davlatida aholi ro'yxati o'tkazilgan. XIX asr oxirida dunyo aholisining 21 foizi ro'yxatga olingan bo'lsa, XX asr boshida 54 foiz aholi ro'yxatdan o'tkazilgan.

Ikkinchi jahon urushidan keyin, aholini ro'yxatga olish tizimi yanada takomillashtirildi. 1945-1954 yillarda — 151 ta davlatda, 1965-1974 yillarda — 179 ta davlatda aholi ro'yxati o'tkazilgan. Hozirgi paytda, dunyodagi deyarli barcha davlatlarda aholini ro'yxatga olish ishlari olib borilmoqda.

Respublikamizda demografik jarayonlarning holatini o'rganishda mamlakat hududida o'tkazilgan aholi ro'yxati ma'lumotlari muhim ahamiyat kasb etadi. Manbalarda keltirilishicha, O'zbekiston hududida dastlabki aholi ro'yxati 1897 yilda o'tkazilgan bo'lib, ushbu ro'yxat ma'lumotlari XIX asr oxirida O'zbekistonda mavjud oilalar soni, aholi soni, yoshi va jinsi, etnik tarkibi, tug'ilish, o'lim kabi demografik jarayonlar haqida tassavvur hosil qilishga yordam bergan. O'zbekiston hududida keyinchalik 1926, 1939, 1959, 1970, 1979 va 1989 yillarda aholini ro'yxatga olish ishlari tashkil etilgan.

Ko'pgina mamlakatlarda aholini ro'yxatga olish qonun bilan tartibga solinishi mustahkamlab qo'yilgan.

Masalan, Buyuk Britaniyada 1920 yilda Qo'shma Qirollikda aholini ro'yxatga olish qonuni qabul qilingan. Mazkur qonunda aholini ro'yxatga olishning barcha qoidalari, fuqarolar, uy xo'jaliklari, korxonalar va muassasalarning qaysi toifalari ro'yxatga olinishi, aholini ro'yxatga olishni kim o'tkazishi, so'rov varaqalari qanday bo'lishi kerakligi belgilab qo'yilgan. Bundan tashqari, aholini ro'yxatga oladigan hisobchilarni yollash qoidalari, ularning xizmat vazifalari hamda aholini ro'yxatga olish qoidalari ko'rsatilgan.

tuman Statistika bo'limi

ENERGETİK ICHIMLIKLARNING INSON ORGANIZMIGA TA`SIRI

Ma'lumotlarga ko'ra, tarkibida suv, shakar, kofein, taurin va vitaminlar mavjud bo'lgan ushbu mahsulotlar dastlab 1960 yilda Yaponiyada dori vositasi sifatida yaratilgan. Hozirgi kunda esa energetik ichimlik tarkibiga turli kimyoviy moddalar qo'shilib, yangi-yangi turlari paydo bo'lmoqda.

So'nggi 10-15 yil ichida butun dunyo bo'yicha energetik ichimliklar iste'mol qilish va ishlab chiqarish bir necha o'n barobar oshganligi hech kimga sir emas. Energetik ichimliklar ko'proq 16-24 yoshdagilar orasida ommabop.

Energetik ichimliklarning inson tanasiga ijobiy ta'siri: insonga quvonch va energetik (baquvvat) faollik, tetiklashtiruvchi ta'sirga ega. Kofeinli ichimliklar uyquchanlikni yengishga yordam beradi; og'ir jismoniy zo'r qish vaqtida esa vitamin-uglevodli ichimliklar organizm chidamliligini oshiradi. Vitaminlar va glyukozaning yuqori miqdori organizmdagi hayotiy jarayonlarni rag'batlantiradi, glyukoza tezda qon oqimiga kiradi hamda mushak to'qimalari va organlarga, miyaga quvvat beradi. Energetik ichimliklarning ta'siri 4 soatgacha davom etib, uning kuchi ichimliklar tarkibida karbonat angidrid borligi tufayli kuchayadi. Ularning tarkibi: kofein 30 mg dan va taurin moddasi 399 mg (100 ml uchun)dan oshmaydi. Kofein - har qanday energetikning asosiy faol moddasi bo'lib, miya faoliyatini va fikrlash jarayonlarining faolligini, yurak-qon tomir tizimining faoliyatini stimullaydi. Kofeinning katta dozasi asab tizimi va yurak faoliyatini kuchaytiradi, qon bosimini sezilarli darajada oshiradi va bosh og'rig'i ga sabab bo'ladi va o'ziga qaramlikni chaqiradi. Taurin - energetik ichimliklarning ikkinchi asosiy komponentidir. U mushak to'qimalarida to'planadi va ulardagi metabolik jarayonlarni yaxshilaydi. Ko'p miqdordagi taurin asab tizimining haddan tashqari zo'g'alishiga va uning charchashiga olib keladi.

Spirтли ichimliklar bilan birgalikda uning ta'siri kuchayib, yurak-qon tomir

va asab tizimlarining jiddiy nosozliklari yuzaga keladi. Spirтли ichimliklarni iste'mol qiladigan, hamda asabiy zo'g'aluvchanligi yuqori bo'lgan insonlarga taurin iste'mol qilish qat'iy ta'qiqlanadi. Yevropa mamlakatlarida energetik ichimliklar faqat dorixonalarda sotiladi, chunki energetik ichimliklarni iste'mol qilgandan keyin o'lim holatlari qayd etilgan. Energetiklar tarkibida mavjud vitaminlar muvozanatli kompleks hosil qilmaydi. Energetik organizmning quvvat kanallarini ochadi. Inson tanasi quvvat olmaydi, aksincha uning ichki resurslaridan foydalanadi. Energetik ichimliklarni muntazam iste'mol qilish natijasida haddan tashqari zo'g'alish, charchoqning kuchayishi, uyqusizlik, asabiylashish hamda depressiya holatlari kelib chiqadi. Energetikdagi kofein va boshqa stimulyatorlar yurak tezligi va qon bosimini oshiradi. Bunday ichimliklarni haddan tashqari iste'mol qilish aritmiyaga va hatto yurak to'xtab qolishiga olib kelishi mumkin. O'tkir holatlardan tashqari, energetik ichimliklar ham uzoq muddatda yurakka zarar yetkazishi mumkin.

Olimlar tetiklantiruvchi ichimliklarni iste'mol qilish qonda tromb paydo bo'lish xavfini oshirishi, asab tizimiga salbiy ta'sir qilishi va zaharlanishga olib kelishi mumkin. Uning alomatlari orasida tashvish, uyqusizlik, taxikardiya, ovqat hazm qilish buzilishi, titroq, mushaklar tortishishi va bezovtaliq kuzatiladi. Kofeinning yuqori dozalari surunkali bosh og'rig'i ga sabab bo'lishi mumkin. Bundan tashqari, energetik ichimliklar tarkibida mavjud bo'lgan kofein, taurin va guarana birikmasi miya uchun toksik bo'lishi va asab hujayralarini buzishi mumkin.

Energetik ichimliklar, ayniqsa, o'smirlar uchun xavflidir.

Bir tadqiqot 15-16 yoshdagi o'smirlarda kofein iste'mol qilish va xatti-harakatlarning buzilishi o'rtasida to'g'ridan to'g'ri bog'liqlik borligini ko'rsatgan. Semirishga olib keladi va 2-toifa diabet xavfini oshiradi. Tetiklantiruvchi ichimliklar ingichka ichakdagi foydali bakteriyalarning xilma-xilligini kamaytirishi mumkin, bu



ham kilogramm ortishi va metabolik sindromning rivojlanishi bilan xarakterlanadi. Jigarga zarar yetkazadi. Me'yordagi energetik ichimliklar jigarga zarar keltirmaydi, lekin agar haddan tashqari oshirib yuborilsa yoki spirтли ichimlik zo'shilsa, tananing asosiy filtri bardosh bera olmasligi mumkin.

Shifokorlar asosiy omil energetik ichimliklar tarkibidagi va katta dozalarda gepatotoksitga ega bo'lgan vitaminining haddan tashqari ko'pligi deb hisoblaydi. Suvsizlanishga olib keladi va buyraklarga zarar yetkazadi. Energetik ichimliklar ko'pincha sport musobaqalarida ishlatiladi, chunki kofein sportchilarning ish faoliyatini yaxshilashi mumkin. Shu bilan birga, bu siydik va natriy miqdorini oshiradi, bu suvsizlanish va elektrolitlar yetishmovchiligiga olib kelishi mumkin. Shuning uchun uzoq vaqt davomida

jismoniy faollik paytida, ayniqsa, issiq sharoitda energetik ichimliklar ichmaslik kerak. Yuqori kislotalilik va ko'p miqdorda shakar tufayli energetik ichimliklar tish emaliga yomon ta'sir qiladi. Bolalar va o'smirlar, homilador ayollar, yurak-qon tomir kasalliklari va diabet bilan og'rikan bemorlar bunday ichimliklarni ichishdan butunlay voz kechgani ma'qul.

Toshkent tibbiyot akademiyasi Bolalar, o'smirlar va ovqatlanish gigienasi kafedrası professori Gulı Shayxovanning ta'kidlashicha, bunday ichimliklarni me'yordan ortiq ichish o'smirlarda tobeklik holatini keltirib chiqaradi, energetiklar ichish 18 yoshga to'lmagan bolalar va o'smirlarga, homilador va emizuvchi ayollarga, yurak qon tomiri va qandli diabeti bor bemorlarga tavsiya etilmaydi. Bu ichimlikni ko'p iste'mol qilish inson tanasidagi hujayra va to'qimalarga jiddiy zarar yetkazib, jigra, yurak qon-tomir kasalliklari, qandli diabet, saraton kabi ogqibatlariga olib keladi", - deydi shifokor.

Dietolog-olimlar energetik ichimliklarning organizmga ta'siri borasida katta tadqiqotlar olib bormoqdalar. Tadqiqotlar shuni ko'rsatadiki, energetik ichimliklar me'yordan ortiq va surunkali iste'mol qilinsa, inson organizmidagi ba'zi organ va tizimlarga (bosh miya, markaziy nerv tizimi, bo'g'imlar) salbiy ta'sir

ko'rsatadi va tez-tez iste'mol qilgan insonlarda unga tobeklik holati kuzatiladi.

Ichimlik tarkibidagi kofein - psixostimulyator modda. U vaqtinchalik tetiklik hissinı berib, charchash holatini yengillashtirishi, aqliy faoliyatni kuchaytirishi mumkin, ammo ma'lum bir vaqtdan so'ng (1 - 1,5 soat) inson organizmidagi charchoq battar kuchayadi, bosh og'rig'i paydo bo'ladi va nafaqat aqliy faoliyat, balki jismoniy faoliyatni ham susaytiradi.

Tez-tez iste'mol qiluvchılarda esa keyinchalik bo'g'imlarda og'riqlar paydo bo'la boshlaydi va ma'lum bir asoratlarga olib keladi.

O.SHONAZAROV, Tuman SEO va JS bo'limi sanitariya vrachi Sh.ESHQOBILOVA, Jamoatchilik bilan ıshlash bo'limi vrachi

va soғlom hatти-ҳаракатларни ривожлантириш бўйича мас-лаҳат беради.

Хулоса ўрнида айтишиши-миз мумкинки, инсон онги ва хулқ-атвори илмий жиҳатдан ўрганиладиган фан. Психоло-гия кўплаб соҳаларда одам-ларнинг фикрлари, ҳис-туйғу-лари ва хатти-ҳаракатларини тушуниш, инсон ҳаётига ҳисса қўшиш ва одамларга соғлом ва тўлиқ ҳаёт ке-чиришга ёрдам бериш учун қўлланилади. Пси-хология бизга инсон онгининг чуқурлигида саёхат қилиш им-конини беради ва бизни инди-видуал ҳамда жамият даража-сида яхшироқ тушунишга ёрдам беради.

Ойбарчин ПАЙҒАМОВА, Термиз давлат универси-тети ўзбек филология факултетининг 4-босқич талабаси

«САБР ҚИЛСАНГ ҒУРАДАН ҲАЛВО ПИШАР»

ёҳуд муборак ҳаж сафари ҳақида

Истиклол шарофати билан исломнинг беш арконидан бири бўлган муборак ҳаж зиёрати эса биз мусулмонлар учун Илоҳий бир лутфу марҳамат бўлди. Умра сафари квотаси олиб ташланди, ҳаж зиёратига эса зиёратчларимиз барча шароитлар му-ҳайё қилинган ҳолда бориб келмоқдалар.

Оллоҳ таолонинг инояти билан жорий йил Республика бўйи-ча 15 мингдан зиёд, вилоятимиздан 815 нафар, туманимиздан эса 107 киши (шулардан 42 нафари ҳожи оналаримиз) Каъбаи мукаррама ва Мадинаи мунаввара зиёратига бориб келиш бах-тига муяссар бўлмоқдалар. Шунинг учун қуйида ҳаж одоблари тўғрисида бироз маълумот беришни ихтиёр қилдик.

Аввалан билмоқ лозимки, ҳаж бу кичик қиёмат ва қиёматнинг бир белги ва бир қўринишидир. Шунинг учун ҳажни ният қилган киши аввало, Оллоҳ таолога бандилик юзасидан қилган ҳато, камчилик ва гуноҳларидан астойдил тавба ва надомат қилиб, бошқа у гуноҳни қилмасликка азму қарор қилсин. Мабоодо бировга зулм етказган, кимни ҳафа қилган ёки кимнинг қўнғлини қолдирган ё кимгадур озор берган бўлса, шунингдек бировнинг ҳаққи ё кимдандур қарздор бўлса, албатта бориб узр сўрасун ва у кишиларни ўзидан розий қилсин.

Ота-онаси ҳаётда бўлсалар албатта уларни розилигини ол-сун ва дуо олиб кейин йўлга чиқсин ва агар оламдан ўтган бўлса-лар қабрларини зиёрат қилиб, руҳларига дуову-фотиҳа етказ-син.

Силаи раҳим, яъни, яқин ҳешу ақриболарини ҳам ўзидан рози қилсин. Ўрталарида кечган баъзи камчиликларни кечирсин, бе-мор бўлса хабар олсин, кам таъминланган бўлса бақадри ҳол ёрдам берсинки, бу мўминлик хоссатан ҳожиликнинг хислатла-ридандир.

Ҳаж сафари давомида дунёвий ҳолатларга гафлатда қолма-син, доимо Оллоҳ таолони зикри билан машғул бўлсун ва кўп истиғфор айтсин, Қуръони каримни тиловат қилсин. Шериклар билан ҳушмуомала ва ҳушсуҳбат бўлсун ва уларга ноҳақлик қил-масун, қўлидан келганча моддий маънавий ёрдамини аямасин, ғийбат, ёлғон, чақимчилик ва сўқиш каби беҳуда сўзлардан ти-лини сақласин.

Каъбатуллоҳга бутун дунё мусулмонлари мамлакатларидан зиёратчилар келишини ҳам эътиборга олсин ва улар билан ҳам гўзал ахлоқда бўлиб, Бухорию Термизийлар авлодлари эканини намоён қилсин. Шунингдек ўзга мамлакатда борганини унутма-сун ва ўша мамлакатни қонун ва қоида-сига қатъян амал ва ҳур-матда бўлишга ҳаракат қилсин.

Энг муҳими, қилаётган ҳаж ибодатидан Оллоҳ таолони рози-лиги ва охиратини ободлигини мақсад қилиб қўйсин. Дунё ва унинг зийнатларини, риёкорлик, ном чиқариш, фахрланиш каби мазмун амалларни зинҳор ҳаёлига келтирмасин. Акс ҳолда қил-ган саъй-ҳаракатлари беҳуда ва бефойда кетади.

Хурматли Ўртбошимизнинг "Ҳаж-2024" масуми зиёратчилар-нинг Арафот водийсида эълон қилган "Яъни Ўзбекистоннинг фи-дойиси бўлиб, маънавий тарғиботчисига айланаман" деган та-шаббусларини инобатга олиб ҳар бир нафар ҳожиларимиз (Худо хоҳласа сафардан ватанга қайтгандан кейин) жамиятимиздаги меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш, ҳаюлатга қарши маъри-фат билан курашиш, ёшлар тарбияси ва уларни бугунги ижтимо-ий иллатлардан бўлган ёт ғоя, ақиданастилик ва маъзаҳисилки-дек бўҳронлардан сақлаб қолиш, шунингдек оиалар тотувлиги йўлида хизмат қилиб жамиятдаги маънавий ҳаётида ибрат бўлиш-лари, шунингдек сафардан қайтгандан кейин кўп дабада ва ис-роқчиликларга йўл қўймасликлари лозим бўлади.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтмоқ лозим бўладикки, ҳожилик марта-баси Оллоҳ таолони наздида кўп ҳам баланд бир мартабадур. Бу хусусда ҳадиси Шарифда "Кимки Оллоҳ учун ҳаж қилса, (ушбу ҳаж вақтида) беадабдир қилмаса, лағв ва беҳуда гапларни га-пирмаса, фисқу-фужур ва гуноҳ қилмаса, онасидан янги туғул-гандек гуноҳдан пок бўлади" деб марҳамат қилинган. (Имом Бу-хорий ривояти).

Оллоҳ таоло ушбу муборак сафарни барча ҳожиларимизга файзли, хайрли ва баракотли қилсин, ҳажларини мақбул, саъй-ларини машкур ва ўша муборак макомда бориб ҳалқимиз, вата-нимиз, жамиятимиз ва муқаддас динимиз мусаффолиги учун қилган дуоларини ўз даргоҳига мақбул қилсин, ҳаммалари сиҳат ва саломат қайтиб келсинлар ва бизларга уларни зиёрат қилиб, қўлларидан зам-зам сувларни ичиб, дуоларини олиш насиб ай-ласин ва албатта биз билан сизларни ҳам такрор-такрор ҳажжи Байтуллоҳ ва раъзаи поки Расули ақрам (саллаллоҳу алайҳи ва-саллам) зиёратига бориб келиш насиб айласин.

Ғазлиддин ҚАРОМАТУЛЛОХ, туман бош имом-хатиби

ПСИХОЛОГИЯ ИНСОН ҲАЁТИДА ТУТГАН ЎРНИ

Бизга маълумки, психоло-гия инсон онги ва хулқ-атво-рини илмий ўрганувчи фан ҳисобланади. Кишиларнинг фикрлари, ҳис-туйғулари, хат-ти-ҳаракатлари ва руҳий жара-ёнларини тушуниш учун психо-логлар турли усуллардан фой-даланган ҳолда кенг қамровли тадқиқотлар олиб борадилар. Психологиянинг мақсади эса одамларнинг ички дунёсини ўрганиш ва инсон хатти-ҳара-катларини тушунтириш, тушу-ниш ва яхшилаш учун илмий далилларга асосланган би-лимларни беришдир. Қуйида психология тушунчаси ва пси-хологиянинг асосий тамойил-лари, соҳалари ва қўлланили-ши ҳақида маълумот берамиз.

Психологиянинг таърифи ва тарихи Психология юнонча "псиче" (рух) ва "логос" (фан) сўзлари-дан олинган. Бу фан инсон онги ва хулқ-атворини илмий ўр-ганиш билан шуғулланади. Пси-хология инсон онгининг туби-га кириб бориш ва инсон хат-ти-ҳаракатларининг асосий са-бабларини тушуниш учун тур-ли ёндашувлар, назариялар ва усуллардан фойдаланади. Психология илмий фан си-фатида XIX-асрда эксперимен-тал психология асосини ҳисобланган Вилгельм Вундт томонидан лаборатория та-шқил этилиши билан пайдо бўлди. Вундт психик жараён-ларни экспериментал тарзда

ўрганиш ва одамларнинг таж-рибаларини илмий усуллар ёрдамида ўлчаш мумкинлиги-ни таъкидлаган. Ушбу лабора-тория психологиянинг илмий усулларидан фойдаланган ҳолда психик жараёнларни ўрганиш моделига айланди. Ушандан бери психология тез ривожланди ва инсон онги ҳамда хатти-ҳаракатини яхши-роқ тушуниш учун турли кичик фанларга бўлинган.

Психологиянинг қўллани-лиши Психологиянинг қўлланиш соҳалари жуда кенг ва кўп со-ҳаларда одамлар ҳаётига ҳисса қўшади. Психологиянинг баъзи амалий соҳалари: **Клиник амалиёт:** Психо-

логлар одамларнинг руҳий са-ломатлиги муаммоларини таш-хислаш, даволаш ва ёрдам бе-ришда ишлайди.

Таълим: Психологлар ўқув жараёнларини тушуниш, тала-баларнинг академик фаолият-ини яхшилаш ва таълим дас-турларини яхшилаш учун иш-лайди.

Спорт психологияси: Пси-хологик стратегиялар спорт-чиларнинг иш фаолиятини ошириш, мотивацияни бош-қариш ва стрессни енгилга ёрдам бериш учун қўлланила-ди.

Саломатлик ва йўл-йўрқ: Психологлар жисмоний соғлиқ муаммоларини енгил, турмуш тарзини ўзгартириш

нингдек, ҳайвонларда учрайдиган ка-салликларга қарши профилактика, таъхис қўйиш ва даволаш ишлари тўғрисидаги маълумот-лар мажмуи;

- ҳ а й в о н л а р н и ҳисобга қўйиш — ҳай-вонларни идентифика-ция қилиш ва электрон ахборот тизимига ҳай-вон ҳақидаги маълумот-лар, шу жумладан, унга берилган идентифика-ция рақами ва иденти-фикация қилинганлиги тўғрисида берилган ҳужжатлар ёки тегишли ёзувлар қайд этилган ветеринария паспорти ҳақидаги ахборотларни киритиш.

ИДЕНТИФИКАЦИЯНИ АФЗАЛЛИКЛАРИ: -ҳайвонлар бўйича ягона маълумотлар ба-заси яратилади; -йўқолган ҳайвон-ларни қидириш ва эга-сига қайтариш тизими янада тако-миллашади; -ветеринария хизмати кўрсатиш ва юқумли касалликларга қарши ку-рашиш тадбирлари янада сифатли амалга оширилади; -аҳолини инсон ва ҳайвонлар учун

умумий бўлган ўта хавфли юқумли касалликларда ҳимоя қилиш тизими такомиллаштирилади;



-истеъмол учун хавфсиз ва си-фатли маҳсулотлар етказиб берили-ши кафолатланади; -келиб чиқishi номаълум бўлган чорвачилик маҳсулотлари сотилиши олди олинади; -фуқаролар ўртасида ҳайвонлар-

ни сотиш, сотиб олиш ва ўзаро ай-рибошлашда соғлом ва ишончли му-хит яратилади;

-карантин тадбирларини ўтка-зиш учун кетадиган ҳаражатлар қис-қаради; -ҳайвонни турли юқумли касал-ликлардан сугурталаш ва сугурта пулини олиш имкони яратилади; -чорвачилик маҳсулотлари ва ҳом

ашёсини экспорт қилиш имкони яра-тилади; **ҲАЙВОНЛАРНИ ИДЕНТИФИКА-ЦИЯ ҚИЛДИРМАСА ҲАМ БЎЛА-ДИМИ?**

Ҳайвонларни ветеринария хизма-тида руйхатдан ўтказиш ва иденти-фикация қилдириш мажбурийдир. Идентификация қилинмаган ҳай-вонларни сақлаш ва боқиш таъқиқ-ланади.

Идентификация рақамини сақ-ловчи атрибут ёки ветеринария пас-порти бўлмаган ҳайвонлар иденти-фикация қилинмаган ҳисобланади ва улар назоратсиз ҳисобланиб, белги-ланган тартибда эгасини аниқлаш учун тугиб олинади, ажратилган жой-га сақланади.

Ветеринария-санитария қоида-лари ва нормаларини бузган, эпи-зоотияларга қарши курашиш чора-ларини кўрмаган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ белгилан-ган тартибда жавобгарликка торти-лади.

ҲУРМАТЛИ ЧОРВАДОРЛАР, ТАДБИРКОРЛАР!

Туманимиз ҳудудидаги чорва мол-ларини идентификациядан ўтказиш ишларини қисқа вақтларда тўлиқ қуянаш ишларини якунига етказиш чора-тадбирларини намунали таш-кил этиш сўралади.

Б.БОБОРАЖАБОВ, туман ветеринария ва чорвачи-ликни ривожлантириш бўлими ветеринария фаолиятини муо-фиқлаштириш ва давлат назо-рати бўйича бош мутахассис

ЧОРВАДОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

